


PEDAGOGIK MAHORAT

MS
2021



Болта ХОДЖАЕВ

Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада олий ўқув юртларида фанларни муаммоли ўқитшии технологиялари тўғрисида фикр юритилиб, муаммоли таълимнинг мақсади, хозирги тараққиёт босқичидаги вазифалари хусусида амалий тажрибалар баён этилган. Айниқса муаммоли таълимни ташкил этиши жараёнида, муаммоли вазиятлар яратиш, уларни ечиши йўллари, мавзу мазмунини ечишида муаммоли вазиятнинг ўрни тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқув фанларини муаммоли ўқитшии борасида сўз юритилиб, муаммоли дарснинг тузулмаси келтирилган.

Калим сўзлар: олий ўқув юрти, муаммоли таълим, ўқитшии технологияси, муаммоли вазият, муаммо, қобилият, долзарблаштириш, муаммоли дарс тузулмаси, муаммоли таълим методлари.

В статье рассматриваются технология проблемного обучения в высшей школе, цели проблемного обучения, практические опыты по решению задач на текущем этапе развития. В частности, в процессе организации проблемного обучения учитывалась роль решения проблем в создании проблемных ситуаций, способы их решения, содержание темы. Также говорится о проблемном преподавании академических предметов в высших учебных заведениях и структуре проблемного урока.

Ключевые слова: Высшее образование, проблемное обучение, технология обучения, проблемная ситуация, проблема, способность, актуализация, проблемная структура урока, проблемные методы обучения.

The article discusses the technology of problem-based learning in higher education, the purpose of problem-based education, practical experiences on the tasks at the current stage of development. Especially in the process of organizing problem-based education, the role of problem-solving in creating problem-solving situations, ways to solve them, the content of the topic was considered. There is also talk about the problem-based teaching of academic subjects in higher education institutions, and the structure of the problem-based lesson.

Key words: Higher education, problem-based learning, teaching technology, problem situation, problem, ability, actualization, problem-based lesson structure, problem-based learning methods.

Кириш. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, фан-техника ривожи жараёнида ёш мутахассисларни ҳар томонлама баркамол, билимдон, ишбилармон, тадбиркор, ижодкор қилиб тарбиялаш мамлакат ва таълим муассасалари олдида турган долзарб масала саналади. Бу муаммони талаб даражасида ҳал этиш учун мамлакатда маънавий ва маърифий шарт-шароитлар яратиш лозим бўлади. Чунончи, республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 декабрьдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Биз ўз олдимиизга мамлакатимизда Учинчи Рениссанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиш кеарк. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққиёт эттириш миллий ғоямизнинг устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшлиаримиз ўз олдига катта мараларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу – умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”[1, 1].

Бу орзу-умидларни рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли куч Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти 2019 йил 8 октябрдаги ПФ – 5847 сонли Фармони асосида “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”да кўрсатилган вазифалар манба бўлиб хизмат қила олади. Концепцияда таъкидланишича бугунги кунда рақобатбардош, ижодкор, тадбиркор кадрларни тайёрлаш учун таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усусларни жорий этиш биринчи муаммо хисобланади. Ушбу муаммони

ҳал этишнинг муҳим жиҳатларидан бири олий таълимдаги фанларни ўқитиш жараёнига муаммоли таълимни татбиқ этишдир.

Мақсад. Олий таълим муассасаларида табиий–илмий ва гуманитар фанлар, умумкасбий фанлар, ихтинослик фанлари, танлов ва қўшимча фанлар блокидан ўрин олган ўкув фанларини ўқитишда муаммоли таълим технологияларини татбиқ этишнинг моҳияти, функциялари, методлари ва муаммоли дарс тузилмасини баён этишга қаратилган.

Асосий қисм. Муаммоли таълим технологияси бугунги кун дидактика фани олдида турган вазифа эмас. Бунга қадим замонлардан бошлаб қизикиш пайдо бўлган ва у ўзининг илмий асосини XIX асрнинг 90-йилларида топа олган. Унга америкалик файласуф, психолог ва педагог Дж.Дьюи Чикаго шаҳрида ташкил этган тажриба мактабида олиб борган тадқиқотлари натижасини холосалаб 1894 йилда муаммоли таълимга асос солди ва 1909 йилда ёзган “Биз қандай фикрлаймиз” номли педагогик ва психологик асарида муаммоли таълим технологиясининг мазмунини ёритди.

Бу фоя кейинчалик америкалик психолог Дж.Брунер, XX асрнинг 50-йилларида поляк педагоги Винценци Оконь, 70-йилларда татар педагоги, академик М.И.Махмутов томонидан ривожлантирилди. Педагогик ва психологик манбаларда қайд қилинишича муаммоли таълим технологияси рус педагоглари ва психологлари И.Я.Лернер, С.Л.Рубенштейн, А.В.Брушлинская, методистлар Н.А.Менчанская, Т.В.Кудрявцев, А.М.Матюшкинлар, ўзбек педагог ва психолог олимлари Н.Н.Азизхўжаева, Н.Х.Авлиёкулов, Э.Гозиев, А.Чориев, З.Исмоилова, Р.Гайнутдиновларнинг ўкув қўлланмалари ва рисолаларида муайян даражада ёритилди.

Юқорида баён этилган олимларнинг фикрларига кўра муаммоли таълимнинг бош мақсади – билим олувчининг муаммони тўлиқ тушуниб этишига эришиш асосида, уларда тафаккурни, ижодий қобилиятни, ақлий ҳаракатларни ривожлантиришдан иборат. Муаммоли таълим технологиясининг дастлабки педагогик жиҳатини илмий-назарий жиҳат ташкил этади. Илмий-назарий асоснинг моҳияти шундан иборатки, юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг фикрларига кўра муаммоли таълим ўкув жараёнини фаоллаштириш, ўкувчилар фаолиятини жадаллаштириш, ақлий ҳаракатларни ривожлантириш асосида мантиқий тафаккурни таккомиллаштиришни бош вазифа қилиб қўяди. Шу асосда таълим жараёнида ўкувчи–талабалар билимлар тизимини ва малакаларини эгаллаш орқали ўзларининг ақлий фаолиятларини билимлар билан кенгайтирадилар, илмий тушунчалар улар онгига сингдирилади. Назарийчиларнинг таъкидлашича бу ҳолат таълим жараёнида самарали қўлланиладиган муаммоли метод ва усувлар муаммоли дарс тузилмасини ишлаб чиқиб, унда мазкур метод ва усувлардан ўринли фойдаланиш орқали эришилади.

Ўкувчи-талабаларнинг ўкув фаолиятини психология фани нуктаи назаридан таҳлил қилганда ўкувчиларда ақлий ҳаракатларини тезлаштириш, ижодий тафаккурни ривожлантириш, мантиқий фикрлашни ўстириш йўлидаги изланишлар ўкув муассасаларида муаммоли вазиятни ташкил этиш асосида амалга ошади. Таниқли педагог–олимлар М.Махмутов, Т.Кудрявцев, Ю.Зотов, А.Матюшкин, А.Петровский ва бошқа таниқли таълимочиларнинг кўрсатишича муаммоли вазият нафакат муаммоли ечиш, билимларни мукаммал ўзлаштириш, ижод қилишга, балки ўкув режасидаги фанларни ҳақиқий ўзлаштириш ва билиш муносабатига олиб келади. Демак, олий ўкув юртларида ўкув фанларини муаммоли ўқитишнинг иккинчи жиҳатини **муаммоли вазият ташкил этади**. Зоро, А.Петровскийнинг таъбири бўйича, “Муаммоли вазият – бу субъектнинг муаммо тарзида берилган таълим мазмуни билан ўқитувчи томонидан ташкил этилган, фаол ўзаро таъсир усулидир. Бу жараён давомида субъект фикрлашга ўрганади, билимларни ижодий ўзлаштиради, илмий билимлар объектив қарама-қаршилиги ва уларни ечиш усувлари билан қайта алоқада бўлади”[5, 189].

Муаммоли вазиятнинг моҳияти шундан иборатки, у билим олувчининг, яъни талабанинг хотирасигагина эмас, балки уларнинг фикрлаш фаолияти қонуниятларини, билишга оид қизиқишларини, табиати, маънавий эҳтиёжлари ҳамда ўкув матнларини **ҳисобга** олувчи дидактик назария асосида қўрилади. Шунинг учун муаммоли таълим ўқиши-билиш фаолиятини фаоллаштиради, ижодий қобилиятни таркиб топтиради ва талаба олдига кўйилган муаммони англаш ва **ечиш** учун имконият очади.

Муаммоли вазиятнинг ўзига хос педагогик–психологик хусусияти унинг ривожлантирувчи таълим технологияси билан моҳияттан боғлиқлигидир. Ривожлантирувчи таълим жараёни ҳам билим олувчиларнинг ўқиши-билиш фаолиятини фаоллаштиради, илгари маълум бўлган барча ўкув маълумотларини ва уларни ўзлаштириш усувларини, шунингдек эсга тушириш ва хотирада қайта тиклаш, хотиралаш усуслини ривожлантиришга ёрдам беради. Буларсиз на фаоллик, на ижодийлик, на фикрлаш амалга ошмаслигини тажриба кўрсатмоқда. Аммо муаммоли вазиятни фаол ақлий фаолиятни талаб қилувчи ҳар қандай интеллектуал қийинчиликларни вужудга келтирувчи дидактик **ҳодиса** деб аташ мумкин эмас. “Шуни таъкидлаш зарурки, - деб ёзади профессор Ю.Б.Зотов, -

интелектуал кийинчиликларнинг моҳияти, масалан, ўқиувчи маълум формулани эсидан чиқариб, уни эслаш учун куч сарф этишида эмас, балки ўқувчининг билими, ҳаётий тажрибаси билан қарама-қарши бўлган инфомацияни хосил қилувчи вазият эканлигидадир. Муаммоли вазият асосида хосил бўлган қарама-қаршиликлар, уларни юқотишга қаратилган тафаккур жараёнини хосил қилади. Шундай қилиб, ҳар қандай тафаккурнинг бошланиши муаммоли вазиятдадир”[2, 31].

Тажриба шуни кўрсатадики, муаммоли вазиятдан ўқув жараёнининг барча босқичларида: маърузанинг баёни, уни мустаҳкамлаш ва тизимга солиши, билимларни назорат қилиш жараённида қўллаш мумкин. Муаммоли вазиятлар ўқув жараённида аниқ ва тўғри яратилса, мазкур мавзуни муаммоли дарс шаклида ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун профессор З.Қ.Исмоилова таъкидлаганидек, муаммоли вазият яратиш усувларини билиш даркор. Унинг фикрига кўра муаммоли вазият яратиш усувлари:

-ўқитувчи талабаларга дарс мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтириш ва уни ечиш йўлини топиш;

-бир масалага доир турли нуқтаи—назарларни баён қилиш;

-ҳал этиш учун етарли бўлмаган, ортиқча маълумотлар бўлган ёки саволнинг қўйилиши нотўғри бўлган масалаларни таклиф этиш ва бошқалар [3, 94].

Шунга биноан муаммоли вазиятнинг белгиларини қўйидагилар ташкил этади:

-талабага нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;

-вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли таълимнинг ўзига хос яна бир **жиҳати**, унинг методлар тизимида эга эканлигидир. Маълумки, замонавий дидактикада методлар тизими мавжуд бўлиб, у аниқ тушунчаларни: таълим методи, ўқитиши методи, ўқув методи кабиларни ўз мазмунига қамраб олади.

Таълим методи – бу ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг муайян доирадаги дидактик вазифаларни ечишнинг методик усувларини бирга қўшиш орқали амалга ошириладиган мақсадли фаолиятнинг қоида ва принциплари тизимиdir. У ўқитиши ва ўқиши ишларининг муайян ўйғунлашувини, яъни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини қамраб олади.

Ўқитиши методи – бу таълимнинг умумий метод ва дидактик вазифаларини ечиш учун ўқитиши (маълумотни баён қилиш) усувлари тизимиdir. Бу метод ўқувчилар билан ўқитувчининг ўзаро ақлий ҳаракатларини назарда тутиб, умумпедагогик ва дидактик принципларига мувофиқ ўқувнинг тегишли аниқ босқичида ўқитувчининг бошқариш усулини ва ўқувчи-талабаларининг билиш фаолиятини йўлга қўйишни англаради.

Ўқув методи – бу ўқитиши методи ва ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасини йўлга қўювчи, ўқувчининг фаолият усулидир. (М.И. Махмутов).

Бу дидактик категориялар албаттага, муаммоли таълим технологиясига таалуқлидир.

Мухокамалар ва натижалар. Маълумки дидактика фанида бир неча олимлар ва дидактлар томонидан таълим методлари таснифланган. Шулардан муаммоли таълим методларига яқинроғи, яъни ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига тадқиқотчилик ва муаммоли вазиятлар мавжудлигини англатувчи методлар тизими М.Н.Скаткин ва И.Я.Лернерлар томонидан таснифланган.

Улар:

1. Тушунтириш, намойиш этиши.
2. Репродуктив.
3. Муаммоли баён қилиш.
4. Қисман изланувчанлик .
5. Тадқиқот (ижодийлик) методлариридир.

Мазкур методлар тизимида монанд ҳолда кейинги даврда таълим жараёнига муаммоли ўқитиши технологиясини татбиқ этиш орқали муаммоли таълим методлари тизими яратилди. Буларга ўзаро умумий тарзда боғланган муаммоли ва бинар методларни киритиш мумкин. Муаммоли ўқитиши методларига ўқув материаларини ўқитувчи томонидан муаммоли тарзда изоҳлаш ва ўқувчи-талабаларнинг мустақил фаолиятларини йўлга қўювчи:

- монолог шаклида баён қилиш;
- мулоҳазали (кўрсатмали) баён қилиш;
- диалог шаклида баён қилиш;
- эврестик топшириклар;
- тадқиқотчилик топшириклари;
- дастурий топшириклар.

Монолог шаклида баён қилиш методи – бу маъруза машғулотларида мавзуни муаммоли баён қилишни назарда тутиб, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини активлаштириши назарда тутувчи методdir. Бу метод машғулот жараёнида ахборот ва муаммоли савол кўйиш; янги тушунчаларни қўшимча материаллар ёрдамида баён қилиш; қизиқарли, ҳаётий воқеаларни мисол келтирган ҳолда баён қилиш орқали ўқувчи-талабалар олдига муаммоли вазиятни яратиш йўли билан уларда қизикиш ўйготиб, амалга оширилади.

Мулоҳазали (кўрсатмали) баён қилиш методи – ушбу метод муаммоли вазият яратиб, фактик материалларини таҳлил қилишга, хулоса чиқариш ва маълумотларни умумлаштириш нуқтаи назардан татбиқ этилади. Унда ҳар бир мавзуни тарихий материаллар билан тўлдириб, ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ундейди. Масалан: “Биласизларми, мустақиллик йилларида ўзбек олимлари у ёки бу қонунни кашф этиб, Янги Ўзбекистонни қуриш йўлларини кўрсатдилар! Улар нимани кашф этганлар?” Бу муаммоли вазият ўқувчиларда мустақиллик йилларидағи тарихий маълумотларни ўрганиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва шу асосида билимларни умумлаштиришга ёрдам беради.

Бу метод, асосан, ижтимоий, илмий-табиий фанларни ўқитишида қўлланиладиган метод бўлиб, талабаларни мулоҳаза юритиш, ҳаётий мисоллар ёрдамида фикрларини изоҳлаш, мантиқий фикрлашни тарбиялайдиган метод ҳисобланади.

Диалог тарзида баён қилиш методи – ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан ўқув маълумотларини диалог (ўзаро фикр алмашиш) тарзида ўзлаштириши назарда тутади. Бу метод шунчаки сұхбат тарзидан иборат бўлмай, излаш ва изланиш сұхбатидан иборат бўлади. Диалог методи талабаларга ўз фикрини мустақил равишида монолог (маъруза) тарзида баён қилиш кўнималарини шакллантиради.

Эвристик топшириқлар методи - муаммоли таълимнинг бу методи шу билан тавсифланади, ўқитувчи машғулот жараёнида, муайян бир ўқув муаммосини ўқувчилар ҳамкорлигига муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқувчи-талабаларнинг муаммони мустақил ҳал қилиш учун ўзича изланиши ва ижодий фаолият кўрсатишини талаб этади. Муаммонинг ўқитувчи томонидан қўйилиши эврика – қисман ижодий изланиш қилиб қўяди.

Тадқиқот (ижодийлик) методи – бу метод ўқувчи талабалардан тўла ижодийликни талаб этади. У янги билим олиш мақсадида мавзуга доир муаммони ўзи тузади, уни мустақил равишида ҳал қилиш йўлларини излайди. Бу методнинг устунлиги шундаки, талабаларнинг билиш фаолиятини босқичма-босқич фоаллаштириши назарда тутади. Бу эса талабаларнинг ақлий қобилияtlарини ривожлантиришга ва ўқув фаолиятида тадқиқотчилик элементларининг пайдо бўлишида асос ҳисобланади.

Дастурий топшириқлар методи - бу метод ўқув маълумотларини муайян дастурий топшириқлар асосида ўзлаштиришини ва уни тайёрланган дидактик воситалар ёрдамида мустақил ва босқичма-босқич эгаллашни назарда тутади.

Шундай қилиб, муаммоли таълимнинг юқорида тавсифланган методлари ўқитувчининг тушунтириши билан талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини турли-туман ташкил этишини йўлга қўяди. Унда ўқувчиларнинг мустақилларни ва билимларини ўзлаштиришнинг турли кўринишлари амалга ошади. Унда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргалиқдаги фаолияти талабаларнинг мустақил ақлий ҳаракатларини йўлга қўйиб, масала ва топшириқларни мустақил ўзлаштиришга йўллайди.

Муаммоли таълимнинг яна бир жиҳати муаммоли дарсни тайёрлаш ва уни лойиҳалаш билан тавсифланади. Маълумки, олий таълимда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-профессорлардан сұхбат жараёнида: “Сиз муаммоли дарсга тайёрланиш ва уни ташкил этишида нималарга амал қиласиз?” – деган саволга кўпинча улардан, “Дарс тузилмаси (структураси)га амал қиласан, деган жавобни эшитамиз. Хўш, муаммоли дарснинг тузилмаси нималардан иборат бўлиши керак? Манбаларда таъкидланишича ҳар қандай дарс сингари муаммоли дарс ҳам тематик ва дарс режалари асосида тузилиб, дарс таҳлили мантиқий олдиндан белгиланади. Дарс тузилиши, дарс таркибининг ўзаро таъсирини ифодаловчи турли таркибий қисмларини қамраб олади.

Муаммоли дарснинг таркибий қисмлари қўйидаги тузилмадан иборат:

1. Ўқувчи талабаларнинг олдинги билимларини долзарблаштириш.
2. Янги билимлар ва ақлий ҳаракат усувларини ўзлаштириш.
3. Кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

Ўқувчиларнинг илгариги билимларини долзарблаштиришда олдин ўзлаштирилган билимларни шунчаки эслашни эмас, балки уларни янги педагогик жараёnda қўллаш, билим олувчиларнинг билиш фаоллигини рағбатлантириш, ўқитувчи назоратини ҳам қамраб олган ҳолда ўқувчи-талабалар фаолияти учун билимлар долзарблаштирилади.

Янги билимлар ва ақлий ҳаракат усулларини ўзлаштиришда, янги ўқув материали ва тушунчаларини баён этишга оид ўқитувчи фаолияти ёки талабаларнинг янги билим ва тушунчалар мөхиятини мустақил ёритишга оид ақлий ҳаракат киради. Бу асосан китоб билан ишлаш, мавзу матнини таҳлил қилиш, мустақил кузатиш, тажриба олиб бориш, жадвал ва слайдлар тузиш каби ишлар киради.

Кўникма ва малакаларни таркиб топтириш бу фаолият билимларини қўллашда малакани машқ қилдириш, у ёки бу ақлий ва амалий ҳаракат ишларини кўп мартараб тақрорлашни талаб қиласди. Бу талаб муаммоли вазият жараёнида эгалланган тушунчалар, теоремалар, қоидаларни амалда қўллаш билан характерланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки ўй вазифаси мустақил элемент сифатида муаммоли дарснинг дидактик тузилишига кирмайди. Чунки у ўқитувчи берган вазифа асосида ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари орқали амалга оширилади.

Академик М.И.Махмутов томонидан муаммоли дарс тайёрлаш ва лойиҳалаштириш учун аниқ талаб ва қоидалар ишлаб чиқилган. Бу қоидаларда дарсни тайёрлашда ўқув материалининг мазмунни, ўқитишининг усул ва методларини танлашга муаммолилик принципига риоя қилиш лозим. Булар:

1. Таълим (дарс, машғулот) мақсадларни қўйиш, ўқитиши методларини танлашда ўқувчилар ақлий ривожининг аниқ мақсадлари аниқлаб олинмоқ лозим.

2. Дарс машғулотига тайёрланишда таълим усуллари, мазмуни, шакллари, тузилишидаги тизимлиликни ва бунда ўқувчиларнинг изланиш фаолияти мантиғига асосланмоқ лозим.

3. Таълим методларини танлаш ва уларнинг қўлланилиши талабаларнинг билим даражаси, ўқиш-билиш жараёнининг мантиқи, ақлий фаолиятнинг мазмуни ҳамда ақлий ҳаракатларни ҳосил қилувчи назарий ва амалий ўқув фаолияти усулларини белгилаш.

4. Таълимнинг ўқиш ишларининг оммавий, гурухий ва якка тартибдаги иш мазмунини ўқув муаммосини ҳал қилишга қаратиш, ўқиш ва ўргатишнинг йўллари ва усулларини кўрсатмалилик, хиссийлик ва рационаллик, продуктив ва дедуктив фаолият билан қўшиб олиб боришга эришиш.

5. Таълим жараёни юзасидан олиб бориладиган тизимли назорат билимларни ўзлаштириш, муаммоли таълим йўлларини қўллаш даражаси бўйича ўқув маълумотларини таҳлил қилиш ва ўз натижаларини асослашни талабалар томонидан амалга оширилишини йўлга қўйиш [4, 157].

Юқорида қайд килиб ўтилганлар ўқувчи-талабаларнинг интелектуал тараққиёт даражасини ҳисобга олишни тақозо қиласди. Олий таълимда ўқитувчи фанларни ўқитишида бу мантиқни унутмаслиги ва шунга қараб фаолиятни йўлга қўйиши лозим. Шундагина талабалар қўйилган муаммо мөхиятини аниқ англайдилар, уни ечиш йўлларини белгилайдилар ва ечимини амалга ошириб, уни тўғрилигини текшириш қобилиятига эга бўладилар.

Хулоса. Олий ўқув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашда ҳар бир фаннинг мазмун-мөхиятидан келиб чиқган ҳолда турли муаммолар ёки вазиятлар ечимини топиш, уни назарий ва амалий жихатдан асослашни талабаларга тўғри ўргатишлари, муаммоли вазиятни тўғри англаш ва ечиш усулларини тўғри танлашга ўргатиш, ҳамда шу аснода талабаларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини эркин, мустақил баён этишга одатлантириш, уларни фаоллаштириш билан бирга, эгаллаган билимларини амалиётга қўллаш қўнікмаларини тарбиялашга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатнома. –Тошкент: “Ҳалқ сўзи”, 2020 йил, 31декабрь.
2. Зотов Ю.Б. Организация современного урока. – М.: “Просвѣтение” 1984. -31 б.
3. Исмоилова З.Қ., Раупова, Ш.А. Муаммоли таълим технологияларининг, таълим жараёнидаги ўрни. – Тошкент: “Иrrigation va mellioratsiya” Ж.№3, 2018. 93-976.
4. Махмутов М.И. Мактабда проблемали таълимни ташкил қилиш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1981.
5. Петровский А.В. Возрастная и педагогическая психология. – М.: “Педагогика”, 1988.

МУНДАРИЖА

Бахтиёр АДИЗОВ. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари	5
Ширинбой ОЛИМОВ. Таълимни технологиялаштиришнинг асосий элементи	9
Болта ХОДЖАЕВ. Олий ўкув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг айрим жиҳатлари.....	15
Nasiba AZIMOVA, Zarina NASIMOVA. O‘qituvchi nazokatida dilkashlik va pedagogik takt.....	20
Акбар ГУЛБОЕВ. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари....	26
Qobiljon ABDULLAYEV, Nargiza BOBOMURODOVA. Qadimgi mesopatamiyadagi madaniy-ma’rifiy taraqqiyot sarchashmalari	30
Гулия ҲАБИБОВА, Умида БАҲРИЕВА. Талабаларнинг мустақил иши - таълимни ташкил этишининг етакчи шакли сифатида.....	33
Лола ЭЛИБОЕВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш	37
O‘lmas QURBONOVA. O‘zbekiston va Finlyandiya ta’lim tizimi: muammo va istiqbollar.....	42
Гулчехра ИЗБУЛЛАЕВА. Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари юксак дидактик манба сифатида	46
Gulnoz TOSHOVA. Pedagogik faoliyat va uni takomillashtirishda pedagog mahorati	52
Manzura OCHILOVA. Sharq mutaffakkirlari merosida oilada bolalarni axloqiy tarbiyalash.....	57
Dildora TOSHEVA. Boshlang‘ich sinflarda “Atrofimizdagi olam” fanidan “Yashil dorixona” mavzusini o‘qitishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari.....	61
Bobomurod JO‘RAYEV. Somoniylar davrida ta’lim tizimi va mazmuni.....	65
Dilfuza RAKHMONOVA. Equirements for preschool education teacher.....	70
Matluba XOJIYEVA. TA’LIM JARAYONIDA AKSIOLOGIK TARBIYANI TASHKIL ETISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	74
Нигина ИСМАТОВА. Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш усул ва воситалари.....	79
Олимжон АХМАДОВ. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти (XIX аср охири XX аср I чораги) .	83
Nilufar RAXIMOVA. Tarbiya va shaxs kamoloti	89
Gulshan SAIDNAZAROVA. Al-Buxoriyning hadislarida tarbiya masalasi	94
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Методика оценки развития экономического мышления у студентов вуза	98
Маърифат УМУРОВА. Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мусиқанинг ўрни.....	103
Oybek ORTIQOV. O‘quvchi-yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash mazmuni	109
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	113
Olimjon AHMADOV, Dilnoza ELOVA. Buxoro bosmaxona va nashriyotlariga texnika sohasidagi yangiliklarning kirib kelish tarixidan (1920-1924-yillar).....	116
Madina BAXRAMOVA. Modulli ta’limni joriy etishning muammolari va yechimlari	120
Болта ХОДЖАЕВ, Ситора ШАРИПОВА. Талабаларнинг ўкув– билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш	124
Shaxlo XALILOVA. Jahon pedagogikasida pedagogik muloqotning zamонавиј uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublari bilan integratsiyasi	129
Zuxriddin SHERNAZAROV. Abdulla Avloniyning ma’rifiy-pedagogik faoliyati	134
Феруза ЖУМАЕВА. Ўзбек оиласарида ёшларнинг оиласий тарбия ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш	138